

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 март куни Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабартни бошчилигидаги ушбу нуфузли молиявий институт делегациясини қабул қилди.

Ўзбекистон ва ЕТБ 2017 йилда шерикликни қайта йўлга қўганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўтган даврда банкнинг мамлакат стратегияси ва қўшма «йўл харитаси» қабул қилинди ва амалга оширилмоқда.

Янги инвестициялар ҳажми 1,1 миллиард долларга етиб, энергетика, иссиқлик ва сув таъминоти, коммуникациялар, йўл ва уй-жой қурилиши каби устувор тармоқларга йўналтирилган. Аини пайтда ЕТБ киритган сармоянинг учдан бир

қисми хусусий сектор ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда.

Тошкентдаги ваколатхонадан ташқари банк Андижонда ўз офисини очди, жорий йил охиригача Урганчда ҳам очилиш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари икки томонлама ҳамкорликда бундай юксак даражага эришилганида Сума Чакрабартнинг шахсий ҳиссаси ва фаол саяё-ҳаракатлари борлигини алоҳида қайд этди.

Учрашувда узоқ муддатли истиқ-

болга мўлжалланган амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари батафсил кўриб чиқилди.

ЕТБ президенти ушбу етакчи халқаро молиявий ташкилот Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар дастурига ҳар томонлама кўмаклашишни давом эттириш ҳамда шериклик қўламини тубдан кенгайтиришга тайёр эканини билдирди.

Инфратузилмани модернизация қилиш, банк соҳаси, тўқимачилик ва саноатнинг бошқа тармоқлари-

ни ривожлантириш, кичик бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича устувор лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодий тўғридан-тўғри инвестициялар, илғор тажриба, илм ва технологияларни жалб қилишга қаратилган қўшма тадбирлар режаси ва кун тартиби юзасидан фикр алмашилди.

Ў.А.

## ЮКСАК ЭЪТИБОРНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида янги Ўзбекистонда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, азиз опа-сингилларимизнинг жамият ҳаётидаги мақоми ва обрў-эътиборини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига устувор йўналиш сифатида қаралмоқда.

Айниқса, баҳорий гўзаллик ва нафосат айёми – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида мўтабар оналаримиз, мунис ва дилбар аёлларимиз, лафозли қизларимизга меҳр-оқибат ва юксак иззат-икром кўрсатишдек эзгу ва хайрли анъаналаримиз кенг миқёсда намоён бўлмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев 5 март куни мамлакатимиз хотин-қизларининг энг фаол ва ташаббускор вакиллари билан бири – Фарғона вилояти, Олтириқ туманидаги «Нурли обод» фермер хўжалигининг раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси Лола Муротова билан телефон орқали мулоқотда бўлиб, яқинлашиб келаётган қўшма байрам билан қизгин табриқлади.

Давлатимиз раҳбари самимий суҳбат чоғида Лола Муротованинг мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги ва фермерлик ҳаракати ривожига, жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қўшаётган беқиёс ҳиссасини, кўп йиллик заҳматли ва ҳалол меҳнатларини, она Ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлидаги муносиб хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Лола Муротова ўзининг қирқ йилдан ортиқ давр мобайнида бой тажрибаси, бутун билими ва куч-ғайратини диёримиз ободлиги ҳамда элимиз фаровон-

лигига сафарбар этгани, шунингдек, жонқуяр, камтар ва оқила ўзбек аёли сифатида ёш авлод ва бутун мамлакатимиз хотин-қизлари учун чинакам ўрнатилган намуна бўлаётгани хурмат билан қайд этилди.

Президентимиз ҳозирги вақтда даволанишда бўлган машҳур фермерга мустақам сихат-саломатлик ва бардамлик, ҳамisha яқинлари эъзозу ардоғида бўлиб юришликни тилади.

Лола Муротова, ўз навбатида, юртбошимизга иш жадвали тўғрисида бўлишига қарамай кўрсатган чексиз ғамхўрлик ва қўллаб-қувватлашлари учун чин қалбдан ташаккур изҳор этди. Бундай самимий илтифот ва рағбатни мамлакатимизнинг барча аёлларига доимий равишда кўрсатиб келинаётган юксак эътирмоннинг ёрқин ифодаси сифатида мамнунилик ила қабул қилишини айтиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан, шу кун Олий Мажлис Сенатининг Раиси Танзила Норбоева Ўзбекистон Қаҳрамони Лола Муротовани қўшма байрам муносабати билан қўллаб-қувватлаш ва ҳолидан хабар олиш учун Фарғона вилоятига шахсан ташиф буюрди ҳамда Президентимизнинг байрам совғаларини топширди.

Ў.А.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ «ЛУКОЙЛ» КОМПАНИЯСИ РАҲБАРINI ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 март куни Россиянинг «ЛУКОЙЛ» компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қўшма экан, жаҳоннинг етакчи энергетик корпорацияларидан бири ва Ўзбекистон нефть-газ комплексининг муҳим инвестори – «ЛУКОЙЛ» билан стратегик шерикликда сезиларли ривожланишга эришилганини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда компаниянинг қўшма лойиҳаларга киритган сармоялари ҳажми 10 миллиард доллар атрофида. Йилга 8 миллиард куб метрдан зиёд табиий газни қайта ишлаш қувватига эга Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси му-

ваффақиятли фаолият юритмоқда. Жанубий-Гарбий Хисор ва Устюртдаги конларни ўзлаштириш давом этмоқда. Бундан ташқари, «ЛУКОЙЛ» мамлакатимиздаги ижтимоий дастурларни фаол қўллаб-қувватламоқда.

Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Компаниянинг корпоратив бошқарув ва нефть-газ тармоғида рақамли технологияларга ўтиш борасидаги тажрибаси ва илғор ечимларини жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ҳудудида геология-қидирув соҳасида ҳамда углеводород конларини, жумладан, қазиб олиниши қийин бўлганларини ўзлаштириш борасида кооперацияни мустақамлаш имкониятлари муҳокама қилинди.

Илмий изланишлар ҳамда энергетика тармоғи учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш устувор йўналиш сифатида белгилаб олинди.

Ў.А.

## 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини

# Аёлларнинг жамиятда ўз ўрни бор



Донишмандлар агар Ер юзиде биттагина аёл бўлса ҳам заргарга иш топилади, дейишган экан. Боиси аёл – гўзаллик тимсоли. Айтишларича, машҳур шоира Зулфияхонимнинг оналари ўғиллари ишдан келишидан бир соат-ярим соат аввал келинларига: «Энди барча ишларни тўхтатиб, ўзларингга қаранглар, қошларингга ўсма, кўзларингга сурма суриглар», дер экан. Кекса онахон шундай тарбия орқали оилада меҳр-муҳаббатнинг барқарор бўлишига замин ҳозирлаган. Аждодлардан ўтиб келаётган боқий қадриятларни ёшлар онгига сингдириб борган.



Аёл бор экан, ҳаёт бор, оила, фарзанд деган азиз ва бебаҳо, бири биридан ширин неъматлар ҳам бор. Аёл бор экан, меҳр-муҳаббат, сadoқат ва вафо бор, инсон ҳаётию қалбини безайдиган она Замин деган ҳилқат, гўзал анъаналар бор.

Аёл – оиламиз кўрки, қувончи, файзу фаришта-си хонадонларимиз чароғбони, умуман айтганда, жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ҳамisha эъзозда ва эътиборда. Оилада ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат туйғулларини мустақамлашда уларнинг ўрни беқиёс.

Оила аслида барча халқлар, эл ва элатларда муқаддас саналган. Фақат урбанизация-шаҳарлашув ва глобализация (ер шарини қамраш) таъсирида, айниқса, Гарбда инсоният мадания-тининг асрий қадриятлари танназулга юз тутта бошлади. Сийқа «оммавий маданият»нинг яшин тезлигида тарқалиши натижасида юз бераётган жараёнлар оила муқаддаслигига ҳам нохуш таъ-сир кўрсатаётир. Холбуки, Африка ва Жанубий Америкадаги «ёввойи қавмлар» деб аталган ҳин-ду қабилаларида ҳозирга қадар оила мустақам-лигига раҳна солиши мумкин бўлган жиҳатлар-нинг олдини олувчи қадимий урф-одатлар яшаб келмоқда. Уларда куёвнинг қайнона билан кўришиши ва гаплашишига таъбу қўйилган. Ма-бодо бирор ёлғизоёқ йўлда бир-бирларига дуч келиб қолишса ҳам қайнона куёв ўтиб кетгун-ча йўл четига чиқиб орқа ўгириб туриши, бирор заруратга кўра гаплашиши керак бўлса, бири уй ичида, иккинчиси ташқарида бўлиши мақсадга мувофиқ қўрилган. Бу удумлар оқибат натижада

оила мустақамлигига хизмат қилган. Яъни қай-нона куёв ҳақидаги бўлар-бўлмас фикрларини қизига айтиши номақбул саналган. Замоноавий фан-техника ютуқлари бу одатлар бежиз жорий этилмаганини илмий жиҳатдан исботлади. Она ва унинг турмушга чиққан қизи кайфиятида пай-до бўладиган ҳар қандай жараён бир вақтнинг ўзида уларнинг ҳар иккисиде ҳам кечар экан. Бу тадқиқотга жалб этилган оналар ва қизларнинг бош миясида кечаётган жараёнларнинг электр импульслари тарзидаги ифодаси орқали намоён бўлган.

Албатта, ҳаётнинг бардавонлиги аёллар, она-ларга боғлиқ. Шу боисдан инсоннинг коммуни-ка етишуви мудод уларнинг тарбиясига бевоси-та боғлиқ бўлиб қолаверади. Навоий бобомиз «Жаннат оналарнинг оёғи остидадир», деганда аини мана шу жиҳатни назарда тутмаган эдилар-ми? Улуғ шoir покдоним аёлларнинг этакларини меҳробга-да зеб беради ва у меҳробда жойнамоз каби намоз ўқиса ҳам раво бўлади, деб ёзади. Бинобарин, оналар қанчалик фозил ва оқила, меҳрибон бўлиб, ўз қадрини ва жамият шарафини улуғлай олсалар, улар камолга етказган фарзандлар инсониятни турфа бало-қазолардан асраш-га қодир буюк зотлар бўлиб етишадилар. Бунга тарихда мисоллар кўп. Хўш, соҳибқирон Амир Темурни, шerryятимиз султони Алишер Навоий-ни дунёга келтирган, улғайтирган оналар қандай олижаноб зотлар бўлишган?!

(Давоми 2-бетде)

# Аёлларнинг жамиятда ўз ўрни бор

(Давоми. Боши 1-бетда)

Билмам, қандай аёл бўлган Алишернинг онаси. Балки унинг ақлига ҳам Лол бўлган замонаси. Балки унинг кўзларида бўлган оғир бир хаёл. Балки ҳамгин бир зотдир у, Балки шўхчан бир аёл. Балки буюк фарзандига Териб келган чечаклар. Балки тунлар унга бедор Айтиб берган эртақлар. Майлига, у ким бўлмасин, Ёлғиз бир сўз маъноси: Алишернинг онаси у, Навоийнинг онаси.

Атоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг ушбу мисралари ҳам бежиз битилмаган. Оналар ўз бағрида камолга етказган улуг фарзандлари билан оламга мана шундай довуғ таратганлар ва буюк ибрат тими солига айланган қолганлар. Шу маънода давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев «Барчамиз учун азиз ва мўътабар аёл зоти ҳақида сўз юритар эканмиз, авваламбол, бизни дунёга келтирган, оқ сўт бериб воёга етказган Она сиймоси олдида бош эгиб таъзим қиламиз. Ер юзиде муқаддас деган сўзга энг муносиб зот бу – аввало Онадир. Халқимиз она сиймосини доимо улуғлаб, ардоқлаб яшайди. Юртимизда оналарни шарафлаб муҳташам ҳайкаллар бунёд этилгани ҳам шундан далолат беради», деб таъкидлагани бежиз эмас.

Мамлакатимиз миллий тараққиётининг янги даврида амалга ошаётган ишларга назар ташлаш, кўз олдимизда оналар ва аёлларнинг қадрини кўтариш, улар учун муносиб турмуш шароити яратиш борасида жуда кўп улуг ниятлар рўйбга чиқаятгани аён бўлади. Юртимизда аёлларнинг соғлом зурриёб, баркамол авлоди тарбиялаб воёга етказишдаги бекиёс хизматлари тобора катта эътибор топмоқда. Кўплаб опа-сингилларимиз «фан арбоби», «халқ шори», «халқ ўқитувчиси», «халқ артисти» сингари фахрий унвонлар соҳиби бўлишган. 255 нафар ёш истеъдод эгаси эса Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланган.

Истиқлолнинг илк кунларидан эътиборан хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратиш, қобилият ва салоҳиятини рўйбга чиқариш давлат сиёсати айланди. Аналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларни қўллаб-қувватлаш, аёллар оғирини енгил қилиш ва жамиятдаги нуфузини оширишга доир ишлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Яқин ва узоқ келажакка мўлжалланган режаларда ижтимоий масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилаятгани ҳам бевосита аёлларнинг ҳаётини янада нурли қилишга қаратилган. Аҳолини, обод ва шинам уй-жой билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, арзон дори-дармонлар, транспорт хизмати, электр, табиий газ, ичимлик сув таъминотини яхшилаш, болалар боғчалари, янги мактаблар, санъат ва спорт иншоотлари қуриш каби эзгу ишларнинг барчаси аёллар – оналаримизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг иқтидор ва савиясини ошириш, имкониятларини кенгайтиришни кўзда tutadi.

Бугунги кунда Гендер тенгликни таъминлаш масаласи бутун дунёда долзарблигини йўқотмаган. Бу бежиз эмас, чунки гендер тенгликка эришиш жамият ҳаётининг барча жабҳасида барқарор тараққиётга эришиш учун асосий пойдевор яратиб беради. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлашнинг аҳамияти катта. Энг аввало, Ўзбекистонда бу йўналишдаги меъёрий-ҳуқуқий база тақомиллаштирилди. Ижтимоий муносабатларда ҳам, қонунчиликда ҳам жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Президентимизнинг «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва

тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, «Хотин-қизларни таъзим ва эътибордан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Ўзбекистонда ҳам БМТ томонидан ишлаб чиқилган Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида 2030 йилгача мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш бўйича бир қатор мақсад ва вазифалар белгилаб олинди.

Утган йиллар мобайнида аёллар манфаати ҳимоясига йўналтирилган қарий 100 га яқин миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ратификация қилинди. Ҳар йили муайян йўналишда қабул қилинаётган махсус давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши доирасидаги чора-тадбирлар аёлларимизнинг турмуш шароити ва сифатини яхшилашга ҳам дахлдордир.

Мазкур муҳим масалаларга тизимли ёндашув туфайлигина ана шундай натижалар кўлга киритилмоқда. Чунки, мамлакатимизда нафақат мустақам ҳуқуқий замин, балки самарали институционал база ҳам шакллантирилди. Аёллар, оила масалалари парламент даражасида муҳокама қилинадиган бўлди. Сенатда алоҳида қўмита, Қонунчилик палатасида эса комиссия фаолияти йўлга қўйилди. Гендер тенгликни таъминлаш бўйича республика комиссияси ўз фаолиятини олиб бормоқда. Гендер тенгликни таъминлаш бўйича барча мутасадди ташкилотлар билан биргаликда Стратегия лойиҳаси ишлаб чиқилди. Президент Фармони билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди.

Натижалар ҳам шунга яраша бўлмоқда. Давлат бошқарувида аёлларнинг иштироки борган сари фаол тўс олмоқда. Хотин-қизларнинг бошқарувдаги фаолияти кенгайтирилган Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очди. Бугунги кунда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 388 нафар аёл раҳбарлик лавозимида меҳнат қилмоқда. Илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг 72 фоизи айнан хотин-қизлардир. Яна бир фактни инкор этиб бўлмайди. Олий Мажлис Сенати аъзоларининг қарий 25 фоизи, Қонунчилик палатаси депутатларининг 32 фоизи хотин-қизлардан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасида «биз бу йил хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтарамиз» деган эди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Дилфуза Уралова Сирдарё вилоятининг Боёвот туманига, Наргиза Нейматова Бухоро вилоятининг Олот туманига, Садбархон Мамитова Андижон вилоятининг Бўстон туманига (собиқ Бў), Мақсуда Мустафоёва Қашқадарё вилоятининг Қарши туманига, Зулайхо Маҳкамова Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманига ҳоким этиб тайинланишлари ана шу сўзларнинг амалдаги тасдиғи бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Айтиш жоиз, жамиятнинг демократик янгиланган ҳалқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият соҳаларини ривожлантиришда бутун халқимиз қатори аёлларимизнинг ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ҳиссалари бор.

– Мутахассислигим шифокор. Мустақиллигимизнинг илк йилларида ушбу соҳада ишладим. Кейинчалик узоқ йиллар давомида Олот тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, сўнгги пайтда туман ҳокими ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатдим. Бугун эса ушбу туман ҳокимиман, – дейди Наргиза Нейматова. – Қаранг,

бу ҳам биз, аёлларга кўрсатилаётган эътибордан далолат. Гендер тенгликни таъминлашга қаратилаётган ишлар самараси, албатта. Буни мен мамлакатимиз хотин-қизларига билдирилаётган юксак ишонч, деб биламан. Ўз навбатида, вилоятимиз тарихида хотин-қизлар орасида илк бор ҳоким аёл бўлганим ҳам менга катта масъулият юклайди.

Эндиликда мана шундай улкан ишончни оқлаб, виждонан ишлашга, туманимизни ҳар соҳада намуна қилиб кўрсатадиган ҳудудга айлантиришга астойдил ҳаракат қиламан. Албатта, халқ ишончини қозониш, одамларни рози қилиш – асосий мақсадим бўлади.

Ўзбекистон дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилаётгани шу соҳада олиб борилаётган сиёсат ва аёлларимизнинг фаоллиги билан бевосита боғлиқдир. Зеро, мамлакатимизда жамият ҳамда давлат ишларини бошқариш, сайлов жараёни, соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя, шунингдек, давлат ҳамда жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида аёллар ва эркакларнинг тенг иштироки ҳуқуқий асослар билан кафолатлангани муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳада, хусусан, таълим тизимидаги фаолиятни аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиш қийин. Айнан шу жабҳаларда хотин-қизларимизнинг фаолияти ҳам қамров, ҳам ташаббускорлик жиҳатидан кучайиб бораётгани сир эмас. Бу, албатта, бизга билдирилаётган ишонч, яратилаётган шароитлар билан бевосита боғлиқ.

– Тошкент давлат шарқшунослик институтида ректор сифатида фаолият юрита бошлаганимга салкам бир йил бўлди. Ушбу лавозимга тайинланишим, энг аввало, зиммамга катта масъулият юклатди. Қолаверса, таълим тизимидаги муаммоларни бартараф этишда ва ёшларга тўғри таълим-тарбия беришда катта куч-ғайрат бағишлади, – дейди Гулчехра Рихсиева. – Бугунги жараёнларда ҳар биримиздан фаол ҳаракат, жиддий масъулият ва ташаббускорлик талаб этилмоқда. Буни барчамиз теран англаймиз. Масъулиятни ҳис этамиз.

Давлатимиз раҳбарининг куни кеча қабул қилинган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини» илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонида ҳам аёллар масаласига доир вазифалар алоҳида белгилангани диққатга сазовор. Чунончи, унга мувофиқ, касбга ўқиш истagini билдирган ёлғиз ва кўп болали аёллар учун қўллаб-қувватлаш, ёшларга бу борада йўналиш бериш ҳамда ана шу каби илмий ташаббусларни ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашишдан иборатдир.

Анжуманнинг очилиш маросими институт ректори Алимжон Рыскулов кириш сўзи билан очиб, тадбир иштирокчилари ва меҳмонларни қутланиди. Талабаларга муваффақиятлар тилади.

– Бундай анжуман илк бора ташкил этилмоқда, – дейди институт кафедра мудири Рашид Худойкулов. – Албатта, бу каби тадбирлар талабалар учун катта имконият. Зеро, улар бу орқали олган билимларини мустақамлашлари бораборида, илмий ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида унинг тақдирини ўтказиш кўникмаларини ҳам ошириб борадилар. Институтимизда иқтидорли талабалар кўп. Шу сабаб мазкур анжуманда иштирок этиш истагини билдирганлар анча бўлди. Олийгоҳимиз томонидан талаба ёшларнинг инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинади. Қатор мамлакатларнинг олий ўқув даргоҳлари билан қудуқ қозий» деган таърифга менгзасак бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча аёлларни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами билан табриқлайман. Уларнинг оилаларига тинчлик, қалбларига хотиржамлик, ўзалари ва яқинларига эса саломатлик тилайман.

Дилшод ҲАМИДОВ.

Хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва роли тобора ошиб бормоқда. Бугун бирор-бир соҳа йўқки, унинг тараққиётини аёллар иштирокисиз тасаввур этиш мумкин бўлсин. Қурилиш, меъморчилик жабҳасида ҳам юзлаб, минглаб ана шундай аёлларнинг борлиги қалбларда ҳавас уйғотади. Жумладан, Самарқанддаги «Univer Pro Style» МЧЖга ташриф буюрсангиз бунга ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз.

## Гулшанаро гулчехралар

Гўзал хонимлар эркаклар билан ёнма-ён туриб, йирик-йирик лойиҳаларга қўл ураётгани, даврга, аҳолига муносиб чизмалар яратаятгани кишини ҳайратга солади. Шарқ ва Ғарб меъморчилигининг илғор анъаналарини ўзида муҷассам этган иншоотлар, замонавий, кўркам турар-жой бинолари, маданий-маиший объектларни тайёрлашда улар фаол қатнашаётганидан фахрланасиз. Архитектор, конструктор, сметачи, ҳисобчи, дастурчи мутахассисликларини мукаммал эгаллаган опа-сингилларнинг қатор ижодий намуналари, ишланмалари эндиликда ҳаётга татбиқ этилиб, юрт чироийга чирой қўшаётир. Соҳиба Меликова, Замира Рўзиева, Гулбаҳор Раҳмонова, Ирина Тиллаева, Меҳринисо Асадова, Дилрабо Худойбердиева,

Рисолат Мусурмонкулова, Сарвиноз Одинаева каби моҳир ва тажрибали кадрлар, айниқса бунда барчага ибрат кўрсатмоқдалар.

– Одам ўз меҳнатидан завқланиб яшаш лозим, – дейди жамият раҳбари Собир Тошев. – Аёл киши қўлга қалам тутиб халқимиз дарди-га мос ноёб, гўзал лойиҳалар яратса бу катта бахт. Шу боисдан бутун жамоамиз улар билан фахрланади. Мен оқила, заҳматқаш ана шундай ходимларни, гулшанаро гулчехраларни байрам билан чин юракдан табриқлаб ижодкорлик уларни доимо янги ютуқларга, парвозга чорлашни тилаб қоламан.

Ҳамза ШУКУРОВ,  
«O'zbekiston bunyodkori»  
мухбири.

## Автомобиль йўллари ва транспорт иншоотларини лойиҳалашда инновацион ғоялар

Азалдан бунёдкор халқимиз манзилларни обод қилиш иштиёқи билан яшаб келади. Айниқса, бугунги барпо қилинаётган бино ва иншоотларни қўриб, қурилаётган кўприклару сўз ҳолатга келтирилаётган йўллари қўриб, юртдошларимизнинг шу юрт равақи ва ривож йўлида меҳнат қилишга бел боғланларидан мамнун бўламиз.

Бу жараёнда ёшларнинг фаолиги эътиборга молик. Хусусан, ўғил-қизларимиз томонидан илгари сурилаётган ташаббус ва инновацион ғоялар биноларимизнинг янада пишиқ ва пухта, йўлларимизнинг раван ва қулай бўлиб қурилиши ишларига муносиб улус бўлиб қўшилиши, шубҳасиз.

Тошкент Автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатациясини институт томонидан йўлга қўйилган «Автомобиль йўллари ва транспорт иншоотларини лойиҳалашда инновацион ғоялар» мазусидаги иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани ҳам ана шу каби эзгу ишларнинг давоми сифатида, талаба ёшларга катта имконият вазифасини ўтади. Йўл қурилиш ва лойиҳалаштириш соҳалари мутахассислари, институтнинг профессор ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирокидаги тадбирдан кўзланган мақсад илгари сурилаётган инновацион ғоя ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, ёшларга бу борада йўналиш бериш ҳамда ана шу каби илмий ташаббусларни ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашишдан иборатдир.

Анжуманнинг очилиш маросими институт ректори Алимжон Рыскулов кириш сўзи билан очиб, тадбир иштирокчилари ва меҳмонларни қутланиди. Талабаларга муваффақиятлар тилади.

– Бундай анжуман илк бора ташкил этилмоқда, – дейди институт кафедра мудири Рашид Худойкулов. – Албатта, бу каби тадбирлар талабалар учун катта имконият. Зеро, улар бу орқали олган билимларини мустақамлашлари бораборида, илмий ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида унинг тақдирини ўтказиш кўникмаларини ҳам ошириб борадилар. Институтимизда иқтидорли талабалар кўп. Шу сабаб мазкур анжуманда иштирок этиш истагини билдирганлар анча бўлди. Олийгоҳимиз томонидан талаба ёшларнинг инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинади. Қатор мамлакатларнинг олий ўқув даргоҳлари билан қудуқ қозий» деган таърифга менгзасак бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча аёлларни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами билан табриқлайман. Уларнинг оилаларига тинчлик, қалбларига хотиржамлик, ўзалари ва яқинларига эса саломатлик тилайман.

– Мен илк бор ташкил этилган бундай анжуманда ўзимнинг долзарб мавзудаги илмий ишим билан иштирок этишга, – дейди у. – Биламизки, юртимизда ёнғирчиликлар бўлганда автомобиль йўллари четиде суварларнинг йиғилиб қолиши кўзга ташланади. Бу эса баъзан йўловчи ва ҳайдовчиларга ноқулайлик олиб келади. Масалан, автомобиль йўллари четиде лотоклар бўлмаслиги мумкин, бу эса бир қатор ноқулайликларни келтириб чиқаради. Шу сабаб ҳар 100 метр ораликка 1 дон панжара, яъни қувурларнинг ўрантилиши бўйича лойиҳани илгари суришган. Бу орқали экологик барқарорликни ҳам сақлашга эришиш мумкин бўлади.

Бу каби тадбирлар талабалар, магистрантлар ва ёш тадқиқотчиларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлашга, иқтидорли ёшларнинг илмий салоҳиятини юксалтириб, уларнинг йўл қўрилиши соҳасига интеграциясини амалга оширишга ва энг муҳими, таҳсил олаётган ёшларнинг лойиҳавий ташаббускорлигини шакллантиришга кўмак беради. Анжуман давомида талабаларнинг ижодий ва илмий ишларини ўзида муҷассам этган кўрғазма ҳам ташкил этилди. Яқунда энг яхши ижодий ишланмалар билан иштирок этган талабалар орасидан ғолиблар саралаб олинди, улар муносиб рағбатлантирилдилар.

Анжуман иштирокчилари шўбаларга бўлинган ҳолда йўл қурилиши ва лойиҳалар соҳаси мутахассислари, илмий тадқиқотчилар, тадбирга тақлиф этилган хорижий меҳмонлар ўзларининг тизимдаги янгиликлардан барчани хабардор этилди, бу борада жаҳонда қўлга киритилаётган ютуқларга эътибор қаратилди. Шундан сўнг, йўл қурилишида қидирув ва лойиҳалаш ишларини амалга ошириш, автомобиль йўллари қайта қуришда кенгайтирилган участкаларда йўл пойининг турғунлигини таъминлаш, лойиҳалаш жараёнидаги муҳандислик-геологик тадқиқотларини олиб бориш каби мавзуларда маърузалар тингланди. Йўл қурилиши соҳасида хориз тажрибасини кенг жорий этиш, соҳага малакали кадрларни етказиб бериш ва бу орқали Ўзбекистонда йўл қурилиши соҳасини янада ривожлантириш, ҳаётга татбиқ этилаётган иқтисодий самарадор, энергия тежамкор истиқболли лойиҳаларнинг долзарблик даражалари атрофича муҳокама этилди.

Наргиза МИРЁҚУБОВА,  
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

## Таълим-тарбия – устувор вазифа

Юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, замонавий ахборот технологияларини пухта эгаллаган, профессионал касб маҳорати, малакавий билим, мустақил фикрлаш асосида иш юрита оладиган ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган мутахассис-кадрларни тайёрлаш таълим-тарбия тизимидаги улкан ва эзгу ишлардан биридир.

Шу жиҳатдан олиб қараганда ҳам бугун ёш авлод таълим-тарбиясига ўзининг улушини қўшиб келаётган соҳа ходимлари ҳар қанча эъозу эътирофга муносиб. Бизнинг суҳбатдошимиз ҳам ўзининг билиминин айнаан ёшларнинг таълим-тарбиясига, уларнинг маънавий камолотига бахш этиб келаётган педагоглардан бири Тошкент архитектура-қурилиш институти Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори Феруза Мирзаевадир.

– XXI аср глобаллашяётган, минтақавий, умумжаҳон муаммолари, ҳодисалари ва воқеалари ҳар бир инсонга бевосита таъсир ўтказаятган, унинг маънавий қиёфасини, ички дунёсини, шахс сифатида шаклланишини белгилаб беришга омилга айланаётган даврдир, – дейди суҳбатдошимиз. Таълим-тарбия жараёнида мазкур омилни инобатга олган ҳолда, юксак маънавий, ахлоқий тамойилларга, ватанпарварлик, ўз халқи, миллатига со-

диқлик ғояларига амал қиладиган, ўз шахсий манфаатларини умумдавлат, миллий, инсоний манфаатлар билан уйғунлаштира оладиган, умуминсоний қадриятларнинг муштараклигини англай оладиган, халқимиз, динимизга бегона бўлган турли диний, экстремистик, террористик, умуман, зарарли ғояларга муросасизлик кайфиятида бўлган, эркин фикрловчи, мустақил фикрга эга бўлган, «мафкуравий иммунитет»ни шаклланган мутахассис кадрларни тайёрлаш стратегик мақсадимиз бўлмоғи керак.

ТАҚИДА талаба ёшларнинг нафақат фанларни пухта ўзлаштиришлари, балки уларнинг маънавий дунёқарабини шакллантиришга ҳам катта эътибор қаратиб келамиз. Шу сабабли институт миқёсида турли маънавий-маърифий тадбирлар, иқтидорли ёшлар ўртасида танлов ва фестивалларнинг мунтазам равишда ўтказиб келамиз. Институтда маънавий-маърифий ва тарбия соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бо-



расида аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган. Унга қўра, ташкилий-тарбиявий ишлар, миллий ғоя тарғиботи, диний экстремизм, ақидапарастлик, халқаро терроризмга қарши кураш, шунингдек, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик тарбиясига катта эътибор қаратилади. Бугунги кунда ёшларимизга жуда катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Айниқса, юртимиздаги улкан ободонлаштириш ва бунёдкорлик жараёнида ёшларнинг эзгу ташаббуслари, интилиши ва яхши мутахассис сифатида майдонга чиқишлари муҳим ҳисобланади. Бу борада эса биз педа-

голарнинг олдида турган вазифалар улкан. Ўз иш фаолиятимиз даврида институтда таҳсил олаётган ёшлар маданиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та ташаббус доирасида бир қанча ишларни амалга ошириб келямиз. Албатта, бу жараёнда институт раҳбарияти, ҳамкасбларимизнинг ҳамкорлигидеги ишлари яхши самара бермоқда.

Аёл нозик ҳилқат. У ўзининг зиммасидаги вазифаларни юксак ирода, ақл ва тафаккур билан амалга оширишга интилади. Юртимиз аёлларининг бугун ҳар жабҳада эришаётган ютуқ ва муваффақиятлари замирида ҳам ана шундай улкан меҳнат, сабр-тоқат, бир сўз билан айтганда, тинимсиз заҳмат ётади. Айниқса, илм соҳасида изланаётган хотин-қизларимизнинг илмий салоҳият ва муваффақиятларини эътироф этиш бораборида, уларнинг бу хизматларини «нина билан қудуқ қозий» деган таърифга менгзасак бўлади.

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,  
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

# «Архитекторлик – ёшликдаги орзуим»

Эсимда бор, ёшлик чоғимизда катта йўлларда турган йўл ҳаракати хавфсизлиги нозирларини, ички ишлар ходими кийимини кийган аёлларни кўрсак, ажабланар эдик.

Хали мактабда ўқиб юрган кезларим журналистикага қизиқишим сабабли турли меҳнат жамоаларига бориб репортаж, очерк ва мақолалар тайёрладим. Кунлардан бир кун курувчилар ҳаётидан мақола тайёрлаш илминда Тошкент шаҳридаги қурилиш майдонларидан бирига бордим. У ерда эғнида камзул кийган ёш терувчи, сувочки, ҳатто бульдозерчи аёлларни кўриб ҳайратга тушгандим.

Бугунги кунда аёлларнинг ҳар жабҳада меҳнат қилаётганликлари янгилик бўлмай қолди. Сўхбатга қорлаган бугунги сўхбатдошимиз ҳам ўзига хос касб эгаси – архитекторликка ёшликдан кўнгли қўйган, «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институтининг Комплекс экспериментал лойиҳалар бўлими бошлиғи Зулфия Мирзалиева (Каунбаева) бўлди.

– Асли Туркистон шаҳриданман. Хизматчи оиласида дунёга келганман, – дейди Зулфия опа сўхбатимиз аввалида.

Архитектура соҳасига ҳавас раҳматли онам Наҳия опа боғчада тарбиячи бўлиб ишлаган чоғларида, уларнинг болаларга чиройли қилиб чиқиб кўрсатадиган расмларига қараб, боғча ёши давримдан уйғонган. Дадам билан онам фарзандларининг орзу-ҳавасларини кўриш мақсадида биз учун барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилишган.

Ёшлик чоғимизда дадам ўзбек тилидаги «Ғунча», «Гулхан», «Фан ва турмуш», «Саодат», «Шарқ Юлдузи», «Муштум» каби газета ва журналларга обуна бўлиб, бизни ўқишга қизиқтирган эди. Ана шу нашрларни ўқиш оиламизнинг энг қизиқарли хоббиси бўлган. Менга, айниқса ёшлигимда «Муштум» журналидаги расмлар томонидан чизилган расмлар ичида Д. Синицкий ҳамда О. Холиқовларнинг ижодий ишларидаги чизиш услублари жуда ёқар, шу сабабли уларнинг ишларидан ўзимга альбомлар тўплаб эдим.

Мактаб чоғимда байрамларга ва тадбирларга деворий газеталар тайёрлайдиган гуруҳ аъзоси бўлиб, фаол қатнашиб келардим ва менин «чизган» расмларим ўқитувчиларга ҳамда ўқувчиларга, тадбирларга келган меҳмонларга маъқул келарди.

Дадам бошчилигида, ҳовлимизнинг бир қисмида янги қуриладиган уй режасини чизиб, амакчилар ва қариндошлар ёрдамида ҳашар усулида қурилиш ишлари бошланган пайтда мен 12 ёшда эдим. Ёш бўлишимга қармай,

ака-ука ва сингилларим билан биргаликда уй қурилиш ишларига ёрдам бериб, ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшиш билан бирга қурилиш жараёнини қизиқиб кузатар эдим. Ҳали-ҳамон ўша даврдаги қурилиш жараёни кўз олдимда.

Кунлардан бир кун «Саодат» журналининг янги сонини варақлаб ўқиб ўтирсам, бир мақола мени ўзига жалб этди. Бу мақола ёш аёл архитекторнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида эди. Мақолани ўқиб туриб менда ана шу касбга ички бир ҳавас уйғонди, яъни шу аёл каби архитектор бўлиш иштиёқи пайдо бўлди.

– Демак, ана шу иштиёқ сизни ушбу касбга етаклаган эканда?

– Айнан шундай бўлган. 1973 йил ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатиб, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг Архитектура факультетида ўқишга кириш мақсадида ҳужжатларимни топширишга қарор қилдим ва шу йили ниятимга эришдим. 1978 йилда архитектура мутахассислиги бўйича олийгоҳни муваффақиятли тугатдим.

– У даврларда олийгоҳни тугаллаган талабаларга ишлаш учун йўлланма бериларди. Сизда ҳам шундай бўлганми?

– Ўқишни тугаллашим билан ёш мутахассис сифатида менга Тошкент шаҳридаги «Средаэгипроцелинстрой» лойиҳа-қидирув институтининг (ҳозирги «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ) Архитектура-қурилиш бўлимига (АСО-3) йўлланма берилди. Маъна 40 йилдан ортиқ шу институтда ўз соҳам бўйича ижод этиб келмоқдаман.

– Зулфия Захитдиновна, истаимизми йўқми, олийгоҳни битирган ҳар бир талаба ишга борган жойида яхши ўстозлар, тажрибали мутахассислар қўлида ўз тажрибасини орттиришни истади. Шундай эмасми?

– Ишга келган дастлабки йилимда, мен катта тажрибага эга ўстозим, Юрий Иванович Остапенко бошчилигида етук мутахассислар, тажрибали ўстозлар билан ишлаш бахтига муяссар бўлдим. Владимир Иванович Любарцев, Турсун Абдуллаевич Мақсумов, Борис Григорьевич Штейнберг, Людмила Павловна Петрова, Софья Александровна Бузина, Ольга Николаевна Полушина, Олег Генчерович Лем, Данил Сергеевич Ким, Рашид Абдулҳақович Адиллов каби ўз касбининг усталари билан кўп йиллар давомида бирга ишлаш насиб этди ва уллардан иш ўрганиб, тажриба орттирдим. Ана шу мутахассислар менга ўзларининг тажриба-



лари ва билимларини сидқидилдан ўргатганлари учун уллардан жуда ҳам миннатдорман.

– Меҳнат фаолиятингиз даврида кўплаб лойиҳаларга бош бўлгансиз, шулар тўғрисида биров тўхталиб ўтсангиз...

– Институт томонидан ишлаб чиқариётган барча лойиҳаларнинг архитектура қисмларини лойиҳалашда, айниқса, Жиззах вилоятининг Зомин туманида қурилайтган «Ёшлар ижодий маркази», 5, 7, 9 қаватли 2, 3, 4 хонали уйларнинг намунавий ва ишчи лойиҳалари, Бўка шаҳрида қурилайтган 8 қаватли уйнинг ишчи лойиҳалари, Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган ва Бухоро вилоятларида қурилайтган 5, 7, 9 қаватли уй-жойлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, жамоамизнинг барча тегишли мутахассислари билан биргаликда ишлаб келмоқдамиз. Шу билан бирга, республикада қурилайтган 5, 7, 9 қаватли намунавий уйлар лойиҳасига муаллифлик қилганман.

Қиляётган меҳнатларим давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Самарали фаолиятим эвазига 2001 йили Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги муносабати билан «Амир Темура» эсдалик нишони билан мукофотландим.

Республика миқёсида 2009 йилдан ҳозиргача қуриб келинаётган 1 ва 2 қаватли намунавий уйлар лойиҳаси муаллифи бўлганим учун 2011 йили «Шўхрат» медали билан тақдирландим. Энг қувончлиси, ушбу мукофотни давлатимизнинг ҳозирги Президенти Шавкат Мирзиёев шахсан топширгани ҳеч ёдимдан чиқмайди.

– Сизни кўплаб танловларнинг фаол иштирокчиси ҳам, деб эшитганмиз.

– Тўғри, ижодий ҳаёт давримда республика миқёсидаги турар жой, жамоат бино-иншоотлари, маъмурий ва ижтимоий соҳа объектилари лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан чекланиб қолмасдан, республика бўйича архитектура ва лойиҳалаш йўналишида ўтказилган конкурс-

ларда фаол қатнашиб, улкан ютуқларга эришдим. Жумладан, республика Архитекторлар уюшмаси томонидан ўтказилган «Суд маъмурий бинолари»ни лойиҳалаштириш бўйича 1-, 2-ўринларни эгалладим.

Қаҳрамонимиз бугунги кунда «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ лойиҳалар бош архитектори лавозимида ишлаб кўлаб ёш архитекторларга ўзининг билим ва тажрибаларини ўргатиб, ўстоз-шогирд аъналарини давом эттириб келмоқда.

– Ҳаётим ва ижодим давомида, аёл бўлиб шунчалик ютуқларга мушарраф бўлиб келаятганимдан фахрланаман ва республикамиздаги аёллар бундан ҳам юқори ютуқларга эришиб юришларини тилаб қоламан, – дейди сўхбатдошимиз шодлигини ичига сиғдиролмай.

– Шу ўринда аънавий савол, оилангиз ҳақида ҳам қисқача айтиб ўтсангиз.

– Турмуш ўртоғим ҳозир пенсияда бўлса-да, алоқа муҳандиси бўлиб ишлаб келмоқда. Фарзандларимиз бизнинг касбимизни танлашмаган бўлса ҳам, улар доимий ижод билан машғул эканликларини мени мамнун этади. Катта қизим Феруза Оперетта театри актрисаси, кичигимиз Элеонора эстрада режиссураси соҳасида фаолият юритиб келяпти. Набирам Амирхон ҳозир 10 ёшда. Қувонарлиси, унинг расм чизишга иштиёқи баян, жуда талант. Келажакда менинг касбимни эгаллашига умид боғлаётман.

– Зулфия Захитдиновна, ўлкамизга фасллар келинчаги - баҳор кириб келди. Ушбу фаслда биз учун қадри бўлган хотин-қизлар байрами нишонланади. Фурсатдан фойдаланиб, сизни ва сиз орқали оилангиздаги аёлларни, ҳамкасбларингизни таҳририятимиз номидан байрам билан чин дилдан самимий муборакбод этамиз ва шу орқали юртимиз хотин-қизларига ҳам ўз тилакларингизни билдиришингизни сўраймиз.

– Раҳмат. Қўтлуғ байрам арафасида барча хотин-қизларни, шу жумладан архитектор, лойиҳачи ва қурувчи аёлларни 8-март – Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Уларга оилавий бахт-саодат, соғлиқ-саломатлик, юртимиз ривожига ва тараққиёти йўлида олиб бораётган бунёдкорлик ишларига улкан зафарлар тилайман.

– Мазмунли сўхбатингиз учун ташаккур. Байрам кунларингизни мароқли ўтказиб, бундай шукўҳли онларингиз бардавом бўлишини тилаб қоламиз.

Дилшод ЖАЛОЛОВ сўхбатлашди.

## Ойдиной опанинг қўғирчоқлари



Боланинг соғлом, дунёқарашни кенг, юксак фазилатларга эга бўлиб улғайишида уйинчоқ ва қўғирчоқларнинг аҳамияти катта.

Фарғона шаҳрида истикомат қилувчи хунарманд Ойдиной Бурҳонова миллий мато, оддий ва зарарсиз буюмлардан қўғирчоқ тайёрлашда унинг бола саломатлиги ва маънавий оламига нечоғли фойда келтиришига аҳамият қаратади.

Болалар уйинчоқлари – бу халқ ҳаётини акс эттирувчи, унинг маънавий қадриятларини асрлар давомида аждодлардан авлодларга етказувчи асосий бадий воситалардан бири бўлиб баробарида муҳим тарбия воситасидир. Табиий хомашедан тайёрланган қўғирчоқ саломатлик учун ҳам фойдали. Айниқса, эғнидаги атлас матоси, сочларининг ўрими ва бошидаги дўпписи ярашиб турган бежирим қўғирчоқ қиёфасидаги оддийлик ва соддалик бола психологиясига ижобий таъсир кўрсатади.

Ойдинойнинг мутахассисли-

ги иқтисодчи бўлса-да, оиладаги ижодий муҳит ва қизиқиш уни қўғирчоқлар оламига олиб кирди.

Бу йўлда у кўп изланди, ўқиди. Отаси Муҳаммаджон аканинг чизган расмларини тавсиялари билан ҳаёлотда турли эртақ қаҳрамонлари жонлана бошлади. «Зумрад ва Қиммат», «Бўғирчоқ» сингари эртақ қаҳрамонлари, миллий қўғирчоқлар барчага манзур бўлди. Ота-онаси каби болалигидан расм чизишни ёқтирадиган Ойдиной опа ҳайкалтарош, расмом ва дизайнер сифатида уйинчоқ ясашга янгича услубда ёндашади. Бошқалар каби темир ва тугмадан фойдаланмайди, тоза пахта ва бўз матога таянади.

Табиий, юмшоқ, қўлда тикилган кашта, сўзана билан безак берилган, қоғоз ва елимдан ясалган, миллий руҳ берилган пластмасса уйинчоқлари мактабгача таълим

муассасалари, умумтаълим мактабларига шартнома асосида етказиб бериларди.

– Қўғирчоқ яратиш чоғида, аввало, унинг миллийлиги ва нафислиги, либос ва бўёқларнинг сифатига алоҳида эътибор бериш керак, – дейди О. Бурҳонова. – Фарзандларимиз тажовузкор фарбона уйинчоқлар билан эмас, аксинча, юзиде ибод-ҳаё, миллийлик уфуриб турган, инсоний туйғулар ифодаланган миллий қўғирчоқлар билан дўст бўлишни истардим. Шунинг учун қўғирчоқлар орқали халқимизга хос тантлилик ва меҳнатсеварлик каби олижаноб қиёфаларни ифода этишга ҳаракат қиламан.

Айни кунда О. Бурҳонова хонадонидеги устахонасида фарзандлари – Искандар, Абдуқодир ва Мадинахон бу хунарни пухта эгаллаб, ўзлари ҳам мустақил равишда уйинчоқлар ясамоқда.

Суратда: Фарғона шаҳрида истикомат қилувчи хунарманд Ойдиной Бурҳонова шогирди билан.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

«QISHLOQQURILISHLOYIHA» МЧЖ  
бош лойиҳа-қидирув институти  
жамоаси

нозик қалб эгаларини

**МАРТ**  
Халқаро хотин-қизлар кун

билан самимий табриклайди.  
Барча эзгу истақларингиз рўйёбга чиқиб,  
ҳаётингиз қувончга, бахтга лиммо-лим бўлсин!  
Байрамона кайфият  
сизларни асло тарқ этмасин!

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### Бухоро вилояти ҳокимлигининг

#### «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

### ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Т/р	Объектлар номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда	Бажариш муддати
1.	Пешку туманидаги 36-сон мактабни реконструкция қилиш, шу жумладан 210 ўқувчи ўринли янги ўқув биноси қурилиши	3 878 658 950	180 кун
2.	Ғиждудон туманидаги 65-сон махсус мактаб- интернатини реконструкция қилиш, шу жумладан 100 ўринли ётоқхона қурилиши	3 159 233 160	180 кун
